

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2022 йил 3 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррир:** Н.Юсупов

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳнома хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида халқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.03.2022 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 3**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

## НОСТАНДАРТ ТАФАККУР МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ: ЭТЮДЛАР

Раҳмонова Гулчехра,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Гуманитар фанлар факультети, Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Ностандарт тафаккур тарзи инсон табиатига хос бўлиб, ҳар бир инсон ўз ҳаётида ижодкорлик билан дуч келади, унинг қайсидир жиҳатини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Бироқ айнан мана шу масала англаган ва англамаган фаолият тури билан изоҳланган ҳолда ниманидир кашф этиш ёки уни билмасдан ўтказиб юбориш эҳтимоли асосида амалга ошади. Ушбу мақолада ностандарт тафаккур муаммосини ўрганилиш тарихи ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** фикрлаш, ностандарт, ностандарт фикрлаш, ижод, билим, ўргатиш.

## ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ НЕСТАНДАРТНОГО МЫШЛЕНИЯ: ЭТЮДЫ

Рахмонова Гульчехра,

Преподаватель кафедры национальной идеологии, духовности и правового воспитания Гуманитарного факультета Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

**Аннотация.** Нестандартный образ мышления заложен в природе человека, и каждый сталкивается в своей жизни с творчеством, с возможностью изменить какой-то его аспект. Но именно этот вопрос возникает на основе вероятности обнаружить что-либо или заведомо пропустить это, объясняемой тем видом деятельности, который понимается и не понимается. В данной статье описывается история изучения проблемы нестандартного мышления.

**Ключевые слова:** мышление, нестандартное, нестандартное мышление, творчество, знания, обучение.

## HISTORY OF STUDYING THE PROBLEM OF NON-STANDARD THINKING: STIES

Rahmonova Gulchehra,

Teacher of the Department of National Ideology, Spirituality and Legal Education, Faculty of Humanities, Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent Region

**Annotation.** A non-standard way of thinking is inherent in human nature, and everyone is faced with creativity in their lives, with the opportunity to change some aspect of it. But it is precisely this issue that arises on the basis of the probability of discovering something or knowingly skipping it, explained by the type of activity that is understood and not understood. This article describes the history of the study of the problem of non-standard thinking.

**Keywords:** thinking, non-standard, non-standard thinking, creation, knowledge, teaching.

Кишилиқ жамиятининг ривожланиши, табиат ва атроф муҳитни ўрганиш, улар билан мулоқотга кириш ҳамда уларни инсон манфаатига мувофиқлаштириш барча даврларда муҳим омиллардан бири бўлиб келган ва бу борада турли қараш ва

назариялар шакланган. Бу жараён индивидуалликни касб этиб, ностандарт кўринишни ўзида акс эттирган ҳолда оддий одамдан тортиб олимларнинг ёндашувларида ҳам ностандартлик, қарама-қаршилик ва зиддиятли фикр-мулоҳазаларни юзага келишига асос бўлган ҳолда тараққиёт томон инсониятни йўналтирган омиллардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ностандарт тафаккур тарзи инсон табиатига хос бўлиб, ҳар бир инсон ўз ҳаётида ижодкорлик билан дуч келади, унинг қайсидир жиҳатини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Бироқ айнан мана шу масала анланган ва анланмаган фаолият тури билан изоҳланган ҳолда ниманидаир кашф этиш ёки уни билмасдан ўтказиб юбориш эҳтимоли асосида амалга ошади. Агар шахсда ностандарт тафаккур тарзи шакллантирилган бўлса, унда янги нарсаларни кашф этиш компетентлиги намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ностандарт тафаккур тарзига эга бўлиш, ижодкорлик манбаси бўлиб, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган натижа ва самардорликни ҳамда янгиликларни юзага чиқариб берувчи «двигателидир». Бу борада тадқиқотчи Л.С.Выготскийнинг илмий мулоҳазалари ўринли бўлиб, унинг фикрича, ижод бу - бир неча танланган кишилар, хусусан, даҳолар, бетакрор бадиий ва санъат асарларини яратган, инсоният тараққиётига хизмат қилган ва қилаётган илмий кашфиёт, технология соҳасидаги тараққиёт ва ихтироларни амалга оширган истеъдод эгаларининг тақдирини [2] дир.

Антик даврдан шу кунгача инсон онги ва тафаккурини ўрганиб келган олим ва тадқиқотчилар ижодкорлик ва унинг манбаси хусусида бир қатор илмий-амалий изланишларни олиб борган бўлиб, турли назарий ёндашувларни илгари сурган.

Хусусан, қадимги юнон олимлари ва файласуфлари инсон тафаккури ва унинг маҳсули бўлган ностандарт ва ижодий фикрлаш жараёнини тадқиқ этиб, бу борада бир қатор илмий-назарий қарашларни илгари сурган.

Платон санъат бўйича касбий тайёргарлик ва бадиий ижоднинг мистик назариясини ишлаб чиқиб, ижод назарияси ғояларни оқилона билиш ҳақидаги ўз таълимотини илгари сурган ва бадиий ижод актини мантиқсиз ҳаракат деб эълон қилади. Афлотун нуқтаи назарича, санъатдаги ижоднинг манбаи ва сабаби обсессён (инсон онгини бирор нарсага йўналтириш ёки бўйсундириш) бўлиб, рассом у энг юқори ва табиатан илоҳий кучларнинг онгли таъсири ва жозибасига эга бўлган илҳом манбасини ўзида шакллантирган ижодкор шахси [4] деб қарайди.

Инсон тафаккури маҳсули бўлган ижодкорлик, бошқалардан қайсидир жиҳати билан ажралиб туриш, бирор бир соҳадаги ютуқлари бу инсонга ато этилган илоҳий манба эканлиги хусусида Суқротнинг назарий қарашлари Платондан фарқли улароқ, Афлотун ёндашувини ёқлайди. Унинг нуқтаи назарича барча эпик шоирлар санъат ва ижодкорлиги ато этилган илоҳий илҳом билан уйғунлашган ҳолда гўзал ижод намуналарини яратишлигини эътироф этади [4].

Ушбу нуқтаи назарларни таҳлил этган ҳолда ижодкорлик бу шунчаки Платон таъкидлаганидек мантиқсиз ёки тушунарсиз нарса эмас, балки инсонга худо томонидан ато этилган буюк неъматдир. Бизнинг нуқтаи назаримизча, ҳар бир инсон бирор бир касб ёки соҳага нисбатан юқори даражадаги қобилият ва истеъдодга эга. Бироқ уни давлат ва жамият (оила, МТМ, мактаб, маҳалла, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар) томонидан ўз вақтида англаб, ривожлантирувчи педагогик методика ва воситалардан мақсадли фойдаланган ҳолда юзага чиқариш имкониятини таъминлаш лозим. Бунда

инсон онги ва дунёқараши муҳим рол ўйнаб, ҳар бир боладаги истеъдод ва ижодкорликни кўра олиш ҳамда уни мақсадли йўналтириш, энергиясини манфаатли омиларга қаратиш орқали барча соҳаларда янгилик ва ностандарт ёндашувни юзага чиқариш ҳамда давлат ва жамият манфаатига хизмат қилдириш имокониятини ошириш мумкин.

Афлотуннинг обресён таълимотида илгари сурилган, кейинги даврларни эстетик идеалистлари ижодида такрорланган учта фикр, яъни, ижоднинг ўта сезгир манбаи, бадий илҳомнинг мантиқсиз табиати ва эстетик истеъдоднинг асосини [4] илмий нуқтаи назарда ҳозирги даврда ҳам чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, инсондаги креатив ижодкорлик ҳамда ностандарт тафаккур муаммосини юзага чиқаришда бирор нарсага бўлган қизиқиш ва эътиборнинг элементини сезгирлик билан англаш ва уни рағбатлантириш, юзага чиқарувчи омилар билан таъминлаш бўлса, илҳомнинг мантиқсиз табиати деганда эса ҳар бир нарсага қизиқишни шунчаки ҳайрат ва эмоционал ёндашув деб эмас балки ички руҳий оламнинг у билан кўринмас занжирлар орқали боғланганлигини англаш ҳамда моддиятга айлантириш ресурсларини излаб топиш, мавжуд шарт-шароитларни имкон қадар яратиб бериш ва фаолиятга аралашмаслик талаб этилса, эстетик истеъдоднинг асоси сифатида яратилган ижод маҳсулидан мотивация олишнинг психологик механизмларини юзага келтирган ҳолда руҳий жиҳатдан рағбатлантириш тушунилади.

Бу жараён, уйлаймизки, ҳар бир инсон ижодкорлигининг манбаси бўлиб, креатив тафаккур тарзининг ривожига катта ҳисса қўшади. Ҳар бир креатив тафаккур бу давлат ва жамиятнинг, қолаверса, инсониятнинг умуммиллий бойлигидир.

Бу борада Аристотелнинг илмий назарий қарашларига эътибор қаратиш аҳамиятли бўлиб, унинг фикрича, инсон тафаккур тарзини ишга солиш ҳар бир нарсага креатив ёндашиш бу унинг анланган фаолият турига мунсублиги нуқтаи назаридан юзага келадиган фаол жараёндир. Унинг фикрича, бирор киши пассив ақлга эга (потенциал ақл), шунинг учун у баъзан ўйлайди, баъзан эса йўқ. Билиш учун инсон сезги (кўриш, эшитиш) орқали билим манбасини олиши ва пассив онгни фаолият ҳолатига йўналтириши, яъни ақлини фаол ақлга яқинлаштириши керак [3].

Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, ақлни фаол ақлга тенглаштириш керак деганда, ҳар бир инсон тафаккур қилиш мумкин. Аммо уни реал вазиятда амалга ошириш чора-тадбирлари хусусида, унинг натижалари ҳамда имкониятлари ва самарадорлигини янада такомиллаштириш масалалари ҳар кимда ҳам бир хил кечмайди. Инсонга ҳар доим ўйлашга имкон берилган ва танлаш ҳамда ёндашиш масалаларига етарли асослар бор. Шунинг учун Аристотел айтганидек, пассив онг потенциал билимга эга, яъни мавжуд. Агарда у ностандарт ёндашувлар ва бир нечта муқобил вариантлар билан амалиётга жорий этилса, фаол онг маҳсули сифатида ҳақиқий билимга айланиб, ўз самараси ва натижасини беради.

Аристотел ҳақиқий интеллектга таъриф бериб, бу шундай онгдирки, ҳамма нарсани ишлаб чиқаради ва ёруғлик манбаси каби хусусиятларга эгадир. Чунки ёруғлик, қайсидир маънода, мумкин бўлган ранглари ҳақиқий қилади. Ақл эса алоҳида мавжуд бўлиб, ҳеч нарсага бўйсунмайди, ҳеч нарса билан аралашмайди, ўз моҳиятига кўра фаолиятдир [3].

Инсондаги ностандарт ёндашув доимий изланиш ва ҳар хил ижодий ёндашув маҳсули бўлиб, доимий ҳаракатни тақозо этади. Бу инсон тафаккурини регидлик

жараёндан халос этиб, тафаккур операцияларини, яъни анализ ва синтезни янада аниқлик асосида фаолиятга хос хулосалар чиқаришга замин бўлиб хизмат қилади.

Аристотел таъкидлаганидек, ҳаракатдаги билим унинг объекти билан бир хил бўлади, шахсинг имкониятидаги билим юзага чиқарилмас экан, у умуман билим эмасдир. Ахир, вужудга келадиган ҳамма нарса ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсадан келиб чиқади [3].

Умуман, ҳар бир инсонда маълум соҳага нисбатан қобилият, ижодкорлик сифати ва салоҳият мавжуд бўлади, уни ҳар қандай ҳолатда ностандар вазиятларда юзага чиқариш имконият мавжуд. Бу илмий хулосани Афлотун ва Аристотел каби файласуфлар юқоридаги гипотезаси ҳам тасдиқлайди. Шундай экан, ностандарт тафаккур тарзи муаммосини педагогиканинг ўрганилиши зарур муаммолари қаторида тадқиқ этиш ўқувчиларда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш билан боғлиқ илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бергсон А. Творческая эволюция. М.: 1908 г. Стр. 340.
2. Выготский, Л.С. Лекции по психологии /Л.С. Выготский; – СПб.: Союз, – 2006. – 144 с.
3. Леменкова П.А. Эволюция взглядов аристотеля на проблему человека и окружающего мира / <https://hal.archives-ouvertes.fr/hal-01986701/document>
4. Мистическая «теория творчества» по Платону / Манба: <https://vikent.ru/enc/5420/>
5. Нильс Хенрик Давид Бор – биография, ([to-name.ru/biography/nils-bor.htm](http://to-name.ru/biography/nils-bor.htm))
6. Шеров М.Б. Креатив тафаккур ҳақида фалсафий қарашлар эволюцияси. // ARES Vol.1№.1,?2020. ISSN 2181-1385. <https://cyberleninka.ru/article/n/kreativ-tafakkur-a-idagi-falsafiy-arashlar-evolyutsiyasi>
7. Makhmudova G., G'affarova G., Jalalova G. (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
8. Gaffarova G.G, Saydaliyeva N.Z. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.
9. Gaffarova G.G. (2018). Self-organization as an autopoietic system. Paradigmata poznani, vol. 3, pp. 56–60.
10. Gaffarova, G.G.; Jalalova, G.O. (2021). Human capital as the basis of society development. ISJ Theor. Appl. Sci., 4, 455–460.
11. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
12. Гаффарова, Гулчеҳра Ғуламжановна. (2020). Коғнитив жараёнда аутопоэзис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
13. Гаффарова Г. (2018). Ёшларда когнитив тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг устувор йўналишлари: XV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, Б.28-29.
14. Гаффарова, Г.Ғ. (2021). Янги Ўзбекистон стратегиясининг структуравий асослари. Янгилаётган Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар: республика илмий-амалий анжуман материаллари. 83-87 б.



**ТАЛАБАЛАРНИНГ ПАХТА ТЕРИШ АППАРАТИГА  
ИЖОДИЙ ЁНДАШУВИ**

Соатов Анвар Махкамович

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Тел: 97-523-88-37 e-mail: a.soatov62@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада горизонтал шпинделли “КЕЙС 2022” горизонтал шпинделли пахта териш аппарати конструкцияси тадқиқоти натижалари, унинг юритмасига талабаларнинг ижодий ёндашув буйича тавсиялар ва понасимон тасмалари юритмани куллашнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

**Калит сўзлар:** пахта, шпиндел, вертикал шпиндел, пахта териш аппарати, подшипник, барабан, диск, прокладка, қабул камераси, секторсимон пластинкалар

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫЙ ХЛОПКОУБОРОЧНЫЙ АППАРАТ  
СОАТОВ АНВАР МАХКАМОВИЧ**

Джизакский политехнический институт, старший преподаватель

Тел: 97-523-88-37 e-mail: a.soatov62@mail.ru

**Аннотация:** В статье излагаются мысли по результатам творческого подхода студентов к исследованию конструкции горизонтально-шпиндельного хлопкоуборочного аппарата “КЕЙС 2022”, совершенствования привода хлопкоуборочного аппарата и экономической эффективности.

**Ключевые слова:** хлопчатник, шпиндель, вертикальный шпиндель, хлопкоуборочная машина, подшипник, барабан, диск, прокладка, приемная камера, секторные пластины.

**ADVANCED COTTON PICKER**

Soatov Anvar Maxkamovich

Jizzakh Polytechnic Institute, Senior Lecturer.

Tel: 97-523-88-37 e-mail: a.soatov62@mail.ru

**Abstract:** The article presents thoughts on the results of studies of the design of the horizontal-spindle cotton picker “CASE 2022”, the improvement of the drive of the cotton picker and the economic efficiency of the use of V-belt transmission.

**Key words:** cotton, spindle, vertical spindle, cotton picker, bearing, drum, disk, gasket, receiving chamber, sector plates.

Талабаларга «Қишлоқ хўжалик машиналари» фанини ўтиш даврида кўпроқ чет эл давлатларида яратилган қишлоқ хўжалик техникалари тушунтирилади. Бу техникалар ҳозирги даврда маънан эскирган бўлиб, илмий жихатдан асосланмаган қисмлари ҳам бор. Шунинг учун талабаларга қишлоқ хўжалиги техникаларини тушунтиришда ижодий ёндашувни ўргатиш керак. Бу мақолада талабаларни пахта териш аппаратини ўрганишда ижодий ёндашган ҳолда янгилик киритиш тавсия этилган.

Америкадан келтириляётган пахта териш машиналари териш аппаратининг асосий камчилиги, унинг шпиндилларига 1152 та конуссимон тишли ғилдиракли юритма орқали ҳаракат узатишнинг туфайли териш аппарати оғир ва конструкцияси



128	<b>Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш.</b> Шербоев И.У .....	674
129	<b>Бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш жараёнида креатив компетентликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари</b> Тўрахонова Б.Т .....	678
130	<b>Олий педагогик таълим муассасаларида астрономия фанини кредит–модуль асосида ўқитиш методикаси</b> Сатторов А.Р .....	682
131	<b>Медиамаданият тушунчаси ва унинг ўзига хос функциялари</b> Яқубжанова М.И .....	687
132	<b>Бўлажак мактабгача таълим ташкилоти педагог ходимларининг бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириш</b> Асқаров Б.Б .....	694
133	<b>Академик лицей ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикаси</b> Чориев Б.А .....	698
134	<b>Bo'ljak muhandislarining matematik kompetentligini rivojlantirish masalalari</b> Axadova K.S .....	703
135	<b>Umumta'lim maktablarida o'quvchilarni kasbga yo'naltirishda psixologlarning o'rnini va roli (Namangan viloyatida amalga oshirilgan sotsiologik tadqiqot natijalari asosida)</b> Mansurov M.Sh .....	707
136	<b>Methods and selection of calculations used in theoretical study of organic reagents based on nitrozonaphtholes</b> Isakulov F., Madusmonova N., Turambetova A., Smanova Z., Eshimbetov A., .....	715
137	<b>Закономерности методики преподавания русского языка</b> Абдуразаков С.Б .....	725
138	<b>Нофилологик отмлари талабаларида чет тилини ўқитиш жараёнида коммуникатив маданиятни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари</b> Мухамеджанова С.Ж .....	729
139	<b>Яримўтказгичлар физикасига доир ўқув машғудотларини ташкил этиш ва унга қўйилган талаблар</b> Болтаева М.Л., Тўланова Б.А .....	733
140	<b>Абу Исо Ат-Термизий ижодидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар экологик тафаккурини шакллантириш жараёнида фойдаланиш</b> Суюнов Д.А .....	737
145	<b>Замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив компетентликнинг моҳияти ва тузилмаси</b> Юлбарсова Х.А .....	742
146	<b>Ностандарт тафаккур муаммосининг ўрганилиш тарихи: этюдлар</b> Раҳмонова Г .....	749
147	<b>Талабаларнинг пахта териш аппаратига ижодий ёндашуви</b> Соатов А.М .....	753